


Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 16 июль Шанба. № 55 (14447)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



рок этиб, дунё миқёсида ушбу ташкилот нуфузи ўсаётганига гувоҳ бўлдик, - деди Исом Каримов. Лиссабон саммитида Ўзбекистон қуролли жомарлар бўлаётган давлатлар худудига қурол — яроғ олиб киришни таъқиқлаш тўғрисида таклиф киритди ва бу таклиф ЕХХТ томонидан маъқулланди. Биз жаҳон сиёсат майдонидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган бу ташкилотнинг барча тузилмаларида фаол қатнашиш тарафдоримиз.

ЕХХТ Бош котиби Ж.Арагона Ўзбекистон билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасидаги алоқаларнинг раванг топаётгани ва фаоллашгандан мамнуният издор этиб, истиқболда мазкур алоқалар кўлами янада кенгайтадиганига умид билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, Ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХХТнинг Марказий Осий ёл алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳозир бўлди.

ЎЗА

Кўкдумалоқ компрессор станцияси қурилиши қатнашчиларига ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар!

Кўкдумалоқ қонидати улкан компрессор станцияси қурилишининг барча қатнашчиларини самимий кутлайман.

Маълумки, Ўзбекистон ноёб ёқилги-энергетика ресурсларига эга. Республикамининг бой нефть-газ потенциални Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустақамлаш, барқарор иқтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очилди.

Бугун ишга туширилган ноёб станция - бу қурувчилар, монтажчилар, муҳандис-техник ходимларнинг, Қашқадарё вилояти меҳнатсевар аҳолисининг, ўз ҳиссаси билан Ўзбекистон индустриясининг яна бир муҳим объектини фойдаланишга топширишни тезлаштирган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли тугалланганлиги халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирмалар ва компаниялар томонидан Ўзбекистонга нисбатан катта ишончнинг яна бир ёқин исботидир. Ушбу лойиҳанинг ижрочилари - «Дрессер» ва «М.Ю.Келлогг» /АҚШ/, шунингдек «Нишо Иваи» /Япония/ компаниялари ҳиссасини алоҳида қайд этишни истайман. Республика ҳукумати Ўзбекистоннинг ривож учун ушбу устувор лойиҳани маблаг билан таъминлашни ташкил этганлиги учун АҚШ ва Япониянинг Экспорт-импорт банкларига миннатдорлик изҳор қилади.

Барчангизни Кўкдумалоқ компрессор станцияси фойдаланишга топширилганлиги билан қизгин табриклайман, Сизларга мустақам саломатлик, бахт ва янги ютуқлар тилайман.

Исом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

“Ўзбекистон қўшиқлар байрами” кўрик-танловининг Навоий вилояти бўйича bosқичига яқун ясалди.

Кармана шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият саройида республикамиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб ўтказилган қўшиқлар кўрик-танлови юксак ижрочилик маҳоратига эга бўлган истеъдодли ёшларни аниқлади.

Жумладан биринчи ўрин голиби Зарафшон шаҳрининг “Атлас” гуруҳи хонандиси Нодира Аҳмедова. У “Ўзбекистон” қўшиғини маромига етказиб ижро этиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Иккинчи ўрин навбахорлик Солиқ Саидова, учинчи ўрин эса Навоийлик Салим Мамадиёровларга nasib этди.

Танлов голибларига “Камолот” жамғармаси вилоят бўлими, Халқ таълими ҳамда Маданият бошқармаларининг махсус совғалари топширилди.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
“Туркистон” муҳбири

Аэропорт қиёфаси ўзгармоқда

Қадим Бухоронинг 2500 йиллик тўйи яқинлашган сари шаҳарда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тобора қизгин тус олиб бораётди. Жумладан, Бухорода янги аэропорт қурилиши ҳам жадал сурьатлар билан давом этмоқда.

Маълумки, шу йилнинг январияда бир неча мамлакат вакиллари билан имзоланган халқаро битимга кўра, Бухоро, Самарқанд ва Урганча жаҳон андозларига мос келадиган замонавий аэропортлар бунёд этиш қўзда тутилган эди. Ҳозир Бухоро аэропортида Япония, Туркия, Франция, Германия, Югославия фирмалари фаол иш олиб борапти.

Бунёдкорлик ишлари икки bosқичга ажратилган, - деди ЎЗА муҳбири билан сўхбатда Бухоро аэропорти бошлиғи Т.Бахромоов. - Биринчи bosқичда унч-қўниш йўлига, алоқа тармоқларини таъмирлаш ҳамда соатига 150 мижага хизмат кўрсатувчи янги аэровокзал ва қўшимча энергия билан таъминловчи кичик станцияни фойдаланишга топшириш қўзда тутилмоқда. Иккинчи bosқичда эса, аэровокзал кенгайтирилади, шунингдек,

самолётларнинг учиб-қўнишини мувофиқлаштирувчи янги мажмуа бунёд этилиб, радиолокация тармоқлари янгидан таъмирланади.

Қурилишда Япониянинг “Мицуи” ва “Мишубиси” фирмалари бош пудратчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ердамин пудратчи ҳисобланган Туркиянинг “Ай-Сел” фирмаси пардалаш ишлари, шунингдек, унч-қўниш йўлига асфальтлашни ўз зиммасига олган. Германиянинг “Сименс” фирмаси эса электр тармоқлари ва ёриш туқуналарини қайта таъмирлаш билан машғул.

Бунёдкорларнинг самарали меҳнати тўғрисида, аэропорт биноси атрофида фавворалар ўрнатилди, ҳовузлар барпо этилди. Ерлар мармар билан қопланди, 2700 квадрат метр майдонга безакли гишлар ётқизиладди. Қурувчилар янги аэропорт қурилишини юбилей арафасида, яъни шу йилнинг 25 сентябрийда тугаллаш ниятидандир.

И.САФАРОВ,
ЎЗА муҳбири

Сурхон ғаллакорлари зафарни

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари зафар қолди. Дон тайёрлаш давлат буюртмаси бажарилиди. Хирмонга 207 минг тонна дон уюлди. Уртача ҳосилдорлик 30,1 центнерга етди. Ғаллалар бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб такрорий экинлар экилмоқда.

ЎЗА

Мустақиллигининг 6 йиллигига



Мустақилликка эришгандан сўнг Ёш Республикаси олдига давлат иқтисодий пойдеворини мустақамлаш учун ёқилги-энергетика санаятини ривожлантириб, иқтисодий эркинликни қўлга киритишдек ўта долзарб масала қўндалган тўғриси. Шунга кўра Республика раҳбарияти ва Президент ташаббуси билан нефть ва газ санаятини ривожлантириш ишлари чикариш кўламини кескин кенгайтириш, ёқилги-энергетика комплексини жадал ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлишига катта аҳамият берилди. Айни кунда нефть ва газ санаяти мамлакатимизнинг энг йирик тармоғи ҳисобланади ва энергетиканинг муҳим бунини ташкил этди. Собiq иттифоқ таъаззулга юз тутганидан сўнг нефть ва газ санаятига эга Россия, Украина, Қозғистон, Туркменистон каби республикаларда умумий ишлар чикариши чўккан бўлса, Ўзбекистонда нефть ҳамда газ казиб чикариш узлуқсиз ортиб бормоқда. Ҳукуматимиз, соҳа раҳбарлари ва мутахассислари шўролар ҳукумати даврида ишлар чикаришда маънавий ва жисмонан эскирган ускуналар урнига замонавий технология ва амбаларни қўлаш, тез суратларда

ЁҚИЛГИ - ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИ САРИ

И.Каримовнинг станция қурилиши қатнашчилари ва сармоядорларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирдил ва қўндағиларни айтди:

Авалло Ўзбекистон ҳукумати номидан нефть ва газ санаятига улкан ҳисобланган бу ишчооти қўшиқда қатнашган хорижий ва лор-тими мутахассисларнинг қизгин муборакбод этаман. Яқин йиллар ичида юртимизда машинасозлик, тўқимачилик завод ва фабрикалари ишга тушди, кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қурилди. Буларнинг ҳаммаси Республикаси хўжалигининг бошор иқтисодийётига bosқичма-bosқич ўттишдан далоят бермоқда. Натийжада қийин шароитда ялли санаят ишлар чикариш ҳажмини кескин қўсқаришдан сақлаб қолдик. Бу дол хорижий сармоядор ва мутахассисларнинг биз билан ҳамкорликда фаолият юритишига қизқишларини орттирди. Айни пайтда ҳукумат мамлакат иқтисодийётининг энг йирик тармоғи ҳисобланган нефть ва газ санаяти ривожига катта эътибор қаратган. Ҳозир юртимизда 92 та нефть ва газ қонлари маҳсулот бермоқда. Утган беш йил ичида нефть ва газ казиб чикариш ҳажми анча кенгайди. Иқтисодийётига учун энг муҳим омил булган нефтни четдан олишга чек қўйилди. Ҳозир ўзимиз гази қўшиқ ва хорижий мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйдик. “Кўкдумалоқ” қонининг ишга туширилиши нефть ва газ конденсати ишлаб чикаришни икки барабар қўнайтириш имконини берди. Яна энг муҳими биз америкалик ва япониялик мутахассислар ва сармоядорлар билан ишлаб хорижийликлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасини ўргандик.

Бухорога санаят қурилиши ва “Муборакнефтьга” тажриба олинган қиссаларлик жамиятлари хорижий сармоядорлар ва мутахассислар учун ишончли ҳам-

кор бўла олишларини амалда ишобтладилар.

“Кўкдумалоқ” қонида бу компрессор станциясининг яратилиши ўзбек нефть ва газ ишлар чикариш соҳасидаги катта ютуқдир.

Юртимиз углевдорол захирасига бой. Биз бундан кейин ҳам хорижий ишбилармонлар билан иш олиб бориш учун имкониятлардан кең фойдаланамиз. Ҳозир “Кўкдумалоқ” қонидан казиб олинган хом ашё Фаргона нефтини қайта ишлаш заводига юборилмоқда. Нефтини қайта ишлаш заводининг қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолди. Насиб этса соҳа учун муҳим аҳамият касб этадиган бу ишчооти ҳам август ойида фойдаланишга топширамиз.

О.Пармонов - Қашқадарё вилоят ҳокими:

Вилоятимизда ёқилги-энергетика санаяти ва қишлоқ хўжалиги ривожланган. Компрессор станциясининг ишга туширилиши ғаллалар ишчи хосидини кеңли одаётган даврга тўғри келди. Шу кунга қадар 312 минг тонна юқори сифатли бугдой йиғиштириб олдик. Насиб этса бу йил хирмонни 500 минг тоннага кўтармоқчимиз. 500 атмосфера bosим билан ишлайдиган ва бир кеча-кундузлик меҳнат унумдорлиги юқори булган бу компрессор станциясининг ишга туширилиши вилоятимиз қончилари катта имкониятларни очилди.

К.Аллен - “Dresser Rand” корпорацияси президенти:

Авалламбор Президент И.Каримовнинг ушбу компрессор станциясининг қурилишига катта эътибори муҳим аҳамият касб этади. Бу станция нефть ва газ казиб чикариш соҳасида жаҳон миқёсида ноёб қурилмадир. Иккинчидан, бу Америка ва Япония Экспорт - Импорт Банкларининг ҳамкорликда яна ва биринчи ишдир. Мен 1991 йилдан бери қонкорим ишга жарёнда кўп Ўзбеклар билан

мулоқотда бўлдим. Шу вақт ичида анча дўстлар орттирдим. Умид қиламанки, ушбу станциянинг ишга туширилиши юртингиз нефть ва газ соҳасидаги яна бир муҳим воқеа бўлиб қолди.

И.Келеш - “Муборак” газ қонлари бошқармаси бошлиғи:

Газ ҳайдаш bosими бўйича нафақат МДХ давлатлари, балки жаҳондаям тенг йўқ бундай компрессор станциясининг ишга туширилишидан жуда миннатдоримиз. Бу ишчооти санаятга аҳамиятини таърифлаш жуда муҳим. Станциянинг тақдирот маросими биз учун тарихий воқеа бўлиб ёш республикамиз учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хорижий ҳамкорлар билан бундай муваффақиятли фаолият юритиш ҳукуматимизнинг ёқилги-энергетикаси мустақиллигини қўлга киритиш натижасида кучли иқтисодийётига эга бўлиш борасида таяллаган йўлнинг тўғрилигидан яна бир далоятдир.

Б.Ҳафизов - “Бухорога санаят қурилиши” очик турдаги ҳиссадорлик жамият раиси:

Ушбу қондан фойдаланиш муддати ва қўламини кенгайтиришга катта ҳисса қўшадиган бундай ноёб ишчооти қуришда иштирок этган, унч сармоя ва замонавий техника билан таъминлашга ҳисса қўшган мутахассисларни муборакбод этаман. Қурилман езда 30 даржа иссиқда ёки қилинган қаратон совуқ қуларидан қурилишига 1995 йилнинг сентябрийда бошланиб 20 ой ичида ниҳоясига етказилди, яъни норматив муддатлар 1,5 барабар қисқартириб бажарилиди. 1,9 миллиард сумлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Станция қурилишида 15 минг юқ метрик монолит ва йиғма темир-бетон ишлар бунёд этилди, минг тоннадан ошмиқ металоконструкция ишчооти тикланди, 1900 та технологик ту-

гунлар боғланди, деворларнинг қалинлиги 4 мм дан 90 мм. гача бўлган қувурларни қуришда 28 минг дон пайвандалаш ишлари бажарилиди. Ҳамма боғланган ва пайвандаланган тугунларда энг юқори атмосферагача булган bosимда тест асосида текширувдан сўнг биронта сифатсиз ва бузуқ иш топилмади. Чет эллик мутахассислар монтаж ишларига юқори баҳо бердилар. Монтажчилардан Э.Мирзабеков, А.Жуманжонов, В.Фомичев, сувоқчи А.Самодов, экскаватор ҳайдовчиси Ш.Бешимов, яна турли касбдаги ишчи ва ходимлардан Б.Қодиров, Р.Воҳидов, А.Обидов, А.Свечников, Р.Айибетов, А.Даниеллар жонболлик билан меҳнат қилдилар.

“MW Kellogg” компанияси еллаган Алан Уотерс, Майкл Оллетчер, Майк Луис, Жимми Освальд каби монтажчилар, Фред Уильямс ва Ричард Томсон каби мутахассислар ишлаб чикаришда катта таърибага эга эканликларини кўрсатдилар.

Шундай қилиб “Кўкдумалоқ” нефть-газ конденсати қонида компрессор станцияси ишга туширилди. Газ таркибда юқори миқдорда конденсат борлиги тўғрисида казиб чикаришда қатлам bosimini сақлаш учун дунда илгор усул ҳисобланган “Сайлинг” жарёнини қўлаш ва қатламга сув юбориш натижасида нефть олиш миқдорини геологик захиранинг ва конденсат олишни янада кўтартиш имконини берадиган ноёб қурилма - компрессор станцияси ўз фаолиятини бошлади. Газ ва нефть санаятида яратилган замонавий ва ноёб бу қурилманинг ишга туширилиши юртимиз ёқилги-энергетикаси мустақиллигига қўйган муҳим бир қадамдир.

Суннат АЗЛАРОВ,
“Туркистон” муҳбири

Косонсой туман ва шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуйидаги турлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан энгил автомобиллари таъмирлаш устанонаси, кулфозлик устанонаси, сартарошхона ва пойафзал тикиш ва таъмирлаш устанонаси ҳамда туманимиз аҳолисини макарон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида макарон маҳсулотларини ишлаб чикариш шеҳи ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунгача 4 тонна маҳсулот ишлаб чикарилди.

Булардан ташқари жамғарма қошида “Камолот-Р” кичик корхонаси, “Тулқин” ижодий уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб “Камолот” жамғармаси томонидан 13 та иш ўрни яратилиб, ишсиз юрган ёшлар ишга жалб қилинди.

Жорий йилнинг февраль ойидаги “Камолот” жамғармаси бошқарувининг “Уста ва шоғирл” тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан туманда ушбу тадбир июнь ойидан бошлаб амалга жорий қилинди. Яқинда бўлиб ўтган “Меҳнат ярмаркаси” орқали миллий халқ хўнарандчилигининг қуйидаги соҳаларига тикувчилик, сартарошлик, косибчилик ва кулфозлик соҳаларига шоғирл қилиб бириктирилди. Келажакда шартномага асосан ушбу шоғирлар жамғарма қошида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этадилар.

Туманимиз ёшлари қишлоқ хўжалик ишларидан чорва молларини қишлови учун озуқа, дағал-хашак жамғаришда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозирги кунларда жамоа хўжаликлари корхона, ташкилотларда 13 та отряд тузилган. Улар тумандаги ўрта махсус ўқув юртлири талабалари ва ўрта мактаб ўқувчилари ёзи таътил даврида “Меҳнат-роҳат” лагерларига жалб қилинди. 6 та “Меҳнат-роҳат” лагерлари ташкил этилган бўлиб, 428 ўқувчи, талаба қатнашмоқда.



Янги кема парвози

Оқ-моий ранга бўлган «RJ-85» ҳаво кемаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» шилли аоакомпанияси вакиллари бошқарувида ик бор Фарғонага парвоз қилди. Авиациянинг сўнг ютуқларини ўзида мувассам этган, ташқи қўриқини билан қўни қўнайтирувчи ушбу самолёт Фарғона аэропортида катта қизқиш ва эҳтиром билан қабул қилинди.

Шу кун янги самолёт фарғоналик дастлабки йўловчиларни мамлакатимиз пойтахтига олиб келди.

ПРАГА. АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт расмий ташриф билан Чехияга келди. У бу ерда Чехия Президенти Вацлав Гавел, Бош вазири Вацлав Клаус, ташқи ишлар вазири Йозеф Желенец билан учрашди.

Учрашуларда НАТОнинг Шарққа кенгайтириш жарёнида Европа хавфсизлигига доир масалалар муҳокама қилинади.

ТОКИО. Япония фан-техника бошқармасининг маълум қилишича, мамлакат олимлари бир вақтингиз Усида бир неча ишни бажара оладиган ўта замонавий компьютер-телефон устида бош қотирмоқда.

Япон олимларининг янги ихтироси 2003 йилдан амалда жорий этила бошлайди.

Ён дафтарида катта бўлмаган мазкур компьютер-телефон «Интернет» каби халқаро тизимларга уланади ва мижаалар учун электрлашган усулда савдо-сотик қилиш, мактуб жунатиш ва бошқа ишларни тез ва осон бажариш имконини беради.

ТБИЛИСИ. Туркия Президенти Сулаймон Демирал икки кунлик расмий ташриф билан Грузияга келди.

Ушбу ташриф асносида икки мамлакат раҳбарларининг Қўшма баёноти, шунингдек, бир неча қўшма хўжатлар имзоланиши кутилмоқда. Улар орасида ҳарбий-техника соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳам бор, деб хабар берди РТА-ТАСС ахборот мақмаси.

ПЕКИН. Хитойда сўнгги икки ҳафта давомида тўхтовсиз ёққан ёғири натижасида халқок бўлган сонни юздан ошди, ўн минглаб одамлар бошпанасиз қолди.

Хитой матбуотининг хабарига кўра, табиий офат мамлакат қишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар келтирган. Айни пайтда минглаб гектар экин майдони сув остида қолган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 15 июлдан бошлаб ҳисоб ва бохона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 64 сўм 69 тинин миқдорда белгилади.

Суннат АЗЛАРОВ,
“Туркистон” муҳбири

ЯХШИЛИК

ИЛДИЗЛАРИ

Февзи ЁКУБОВ
Крим Давлат Санъат-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, Крим фанлар академияси академиги

Мана шунақа мард ва олижаноб халқ адолатсизликни, ноҳақ фикрни қувватламайди. Ҳатто бу фикрни энг катта доҳий - Сталин айтса ҳам : бутун бошли бир халқни- кримлик татарларни Ватан хоини деб яширин кенгашларда, партия активлари - фаоллари йиғилишида, партия мажлисларида тасдиқлаб туришган бир вақтда ўзбек хонадонларида бу ноҳақликка, ёлғонга ишонишмади. Ўзбекистонда олдий халқ бизни бегуноҳ, ноҳақ айбланган деб билиб, хайрихоҳлик билан қаради. Ўзбеклар бизни айбламасди, аксинча бизга ёрдам қўлини чўзишди. Ойласидан, ҳовлисидадан жой бериб, уйимизда не бўлса, бирга баҳам кўрамиз, дейишди. Бир майзини қирққа бўлиб, йиқилганини суяш деган сўзларга қандай амал қилинишини ўз кўзимиз билан кўрдик.

хулди шу таърифга тўлиқ жавоб беради. Мана шу маънавий тамойиллар халқларимизни дўстлаштирди, бу дўстликнинг амалий ифодаси меҳнатда ҳамкорлик эди. Крим татарлари ўзбек деҳқонлари, чорвадорлари билан бир қаторда пахтакор, пиллачи, боғбон, ползичи, қорақўлчи, миришкор бўлдилар. Крим татарлари ва қурияликлар - корейслар ва бошқалар Бекобод, Олмалик, Ангрэн металлургия комбинатларини, Чирчиқ, Навойи, Фарғона, Бухоро, Тошкент тўқимачилик корхоналарининг тамал тошларини қўйдилар. Ўзбекистонда қурилиш, машинасозлик, энергетика, тоғ-кон саноати каби индустрия соҳаларида меҳнат зафарлари ҳисса қўшган кримликлардан юзлаб олимлар, минглаб шифокорлар, агрономлар, муҳандислар етишиб чиқди. Баъзи миллатдошларимиз Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида, турли корхоналарда раҳбарлик лавозимларида ишладилар.

олиб кирадилар, қалбларда Ўзбекистон соғинчини уйғотдилар. Дафн маросимларида, масжидларда ибодат вақтида крим-- татарларининг бош кийими - ўзбек дўпписидир. Кримда татар оиласи меҳмон кутса, дастурхонда албатта ўзбекча чойнак, пиёла қўйлади. Очигини айтсам, крим татарлари ошпаз пазандалари ўзбекча палов, манти, лағмон, шўрва, сомса ва албатта, ўзбекча нон билан хўрандаларни сийлайдилар. Кўпчилик кафеларимиз ўзбек чойхоналарини эслатади.

Маданиятларнинг бир-бирини бойитиши аслида шундан бўлса керак. Халқимизнинг маданияти - унинг тарихида, дўстлиқка, ўзгалликка даъват қилувчи хотирасида мустақкам ўрин олган.

Шубҳасиз, бир замонлар кримлик зиёлилар ҳам асримиз бошларида Марказий Осиёдаги туркий халқларга ўз маданияти билан ҳаётбахш таъсир кўрсатган эдилар. Кримдан ҳам ўтган Буюк Йипак йўли излари, Исмоилбей Фаспиралдиннинг "Таржимон" газетасининг маърифатчилиги Ўзбекистон тарихчиларининг асарларида кенг ёритилган. Фаспиралдиннинг бу газетасида усули жаҳид мактаблари гоёлари 32 йил давомида (1883-1914) Туркистон халқлари орасида тарқатилган. Исмоилбей Фаспиралдиннинг Фарв ва Шарқ маданиятларининг оламшумул алоқалари ҳақиқатида "Дорулоҳот мусулмонлари" романининг бош қаҳрамони ўзбек йигити - мулла Аббосни жаҳон таниган эди. Туркистондаги миллатпарвар зиёлилар, маслакдошлари Исмоилбей Фаспиралдин ўз гоёларини кенг ёйиш учун маҳсус тақлиф этишган ва ул зотини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Жоразмда исзат-икромлар билан кизгин кутиб олган эдилар. Бухоро амири (Абдул-Аҳалхон бўлса керак - М.М.) Кримга борганида Бочасаройда Исмоилбей Фаспиралдиннинг уйдаги типография-босмахонани зиёрат қилиб, буюк маърифатчини Бухоро ордени билан тақдирлаб, табрик қилган эди. 1910 йилда Исмоилбей Фаспиралдини француз зиёлилари халқро Нобель мукофотига тавсия этишганида Туркистондаги барча газеталар бу тақлифни қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Крим--татар Вамбериси, Булапешт (Венгрия) ва Лозанна (Швейцария), Крим ва Боку дорилфундулари профессори, Париж филология жамятининг фахрий аъзоси, туркология соҳасида 300 дан зиёд илмий асарлар (жумладан, "Ўзбек адабий тили хусусида", "Навоний лисони", "Байқаро ва унинг девони" каби асарлар) муаллифи Бекир Чубонзода ҳам Ўзбекистонда қизгин кутиб олинган, у Фарғона Педагогика институтини (ҳозир университет)да ўзбек тили ва адабиёти кафедрасини ташкил этган ва унга 1930-1934 йилларда мудирлик қилган эди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

СОВГА ОДАМДАН АЗИЗМИ?

("Туркистон" газетаси 1997 йил 2 июль)

Телефон орқали салом-алиқдан сўнг ноташиш суҳбатдошим бироз жим бўлиб қолди, кейин:

- Мен сизнинг "Туркистон" газетасида босилган "Чиккан қиз" сарлавҳали мақолангизни ўқигандим... - деди. Яна жим.

- Этибборингиз учун раҳмат, - дедим суҳбатни улаш учун.

Лекин... трубкадан пиқ-пиқ йиғи овози кела бошлади. "Сингилжон, ўзингизни бошингиз..." - "Тинчликми ишқилиб?" - "Менга қаранг, қаердан кўнгирак қилаяси?" - деган саволларга ҳам бирдай йиғи овози жавоб бўлди. Нонлиқ индамай қўйиб бердим. Ниҳоят, кўз ёшлардан юрак тафтига бироз сув сеппиди чоғи:

- Сизнинг олдингизга борсам бўладими? - деб сўради у. - Фақат... ўзингизни кўрмоқчилик.

...Богинг бир салмиқ бурчағидаги ўриндиқни танадик. Таншиқлик - Тошкентнинг қадимий маҳаллаларини бирда яшовчи битта фарзанди келин экан. Дилдағиллари охиқ айтишга анча тортинди, қийналди. Узоқ гапашганимиздан кейин унинг изтиробларини англагандек бўлдим.

Бундан икки йил муқаддам катта хонадонга тўю томошалар билан кириб келган кўш келиннинг биттаси мана шу ёшгина жувон экан.

Мен оилада бош қизман, - деди у. - Ўзимдан кичкина тўртта синглим ва укаларим бор. Дадам заводда ишлайдилар, ойм-ўқитувчи. Катта фарзанд бўлганим учун орзу-ҳаваслар билан сен қилишди. Энди укам уйландиган бўлиб турибди... - Яна сўзди. Келиннинг кўзларидан яна симиллаб ёш сиза бошлади.

- Ҳаёт кўчасининг бошида турибсиз-а, сингилжоним, - дедим. - Ҳозирдан ҳамма гапни кўнглингизга олаверсангиз, бунақа сиқилверсангиз, соғлигингизни йўқотасиз. Кейин... шунга одамлар борки, кўз ёшнингизни кўрган сайн кўнгли юмшаш ўрнига, баттар дийдаси қотди. Мана шу ожизлингиздан фойдаланган...

Эй Худойим-эй, бу гапларимдан сўнг энди келин яна ҳам астойдил йиғлай бошлади. Кўзларидан маҳкам тутидим:

- Менга қаранг, сиз нимадан хафасиз? Ким дилингизни оғриятаяпти? Эрингиз билан муносабатларингиз яхшимми?

У охиғри саволимга боши билан тасдиқ жавобини қилди ва шу жавоби ўзига ҳам таскин бўлиди шеклиди, бир нуқтага термулганича тинчлана бошлади. Кейин охиқта сўзлади:

- Менин ота-онам ҳар ҳафта, ойда менига, оиламгаи ҳар хил совғалар олиб беришолмаса, айбдор эмасиз-ку! Мен овсинимга ўхшаб ёлғизгина қизмасман... Унинг отаси жуда топарман одам...

Мен уни оэми-кўпми тушунгандай бўлдим.

- Овсингизнинг ота-оналари тез-тез совғалар қилиб туришадими?

...Ҳа... Тўғилган кунларимизда, байрамларда менинг адам билан оймлар ҳам йўқламай қўйишмайди, энди... имкониятларига қараб-а. Ойимнинг касаллари бор, доим дори-дармон билан юридилар, унгаи анча пул керак...

Овсингизнинг ота-оналари катта-катта совға қилишса, сиз ўқинасизми?

- Йўқ, ҳечам ўқинамайман. Менга ота-онамнинг соғлиқлари ҳамма нарсадан ортиқ. Фақат қайнона ойм... - яна жимлик. - Шунги гапирвердилар-да! Ҳаммадан алам қилади-ган жой... овсининг ҳар гал уйига борганда олиб келган нарсаларини кўриб: "Ҳа, сизнинг зотингиз дунё кўрган-да! Қўли очиқ. Топадим, яхшиликка сочадям."

Худойим қўли очиқ бандасига бераверди. Ким зикна бўлса, унинг ризқи-насибасиим қирқилверди. Энди... "болам борган жойда яйраб-яшнаб юрсин", деган ота-она боласига қилади-да!" - деб тақрорлайвердилар.

Бу гапларга парво қилмайман десам, ҳеч қўймайдилар. Менин ота-онам ўғилчамгаи, бизгаи бирон нарс олиб келишса, қўлларининг учид ушлайдилар, назарларига илмаётганлари шундоқ қўзларидан билиниб туради. Кейин худди мени кўрмаётганга ўхшаб орқадан: "Бўлмағурга бўлшима, дегани шу. Паст-да, шунги кўтариб келибди-я", - дейдилар...

- Сингилжоним, - дейман яна ораликдаги хилмақдан фойдаланиб. - Оламнинг кимлигини умрбод унинг нарсалари, совғалари белгиламайди-ку! Менга сизнинг гап-сўзларингиз жуда маъқул бўлапти. Бу ақду фаросатингиз билан аста-секин қайнонамнинг кўнглига кириб борасиз. Озгина сабр-бардош қилсангиз...

Унинг овозидан дилимнинг орғиқлари титрай бошлади:

- Оламнинг кимлигини унинг нарсалари, совғалари белгиламайди, дейсиз... Уйимизда бирон тадбир бўлиб қолса, ота-оналаримиз ҳам келишди-ку! Ушанда... ҳамма хурсандчилик қилса, мен қайнонамнинг адам билан оймга қилган муомалаларидан эзлиб юрман. Уйнинг тўри ҳам, ҳурмат-эъоз, мулозимат ҳам овсининг ота-оналарига, меникиларга шунчаки келинг-қўйинг қиладилар. Қўзатишам уларни машинасига ўтказиб, қайта-қайта хайрлашадилар, меникилар эса... келин рўмолчасини бир мудат қўзларига босиб туради, қийнаиб ютинадди. - Ойим бечора тинмай мени юпатадилар: "Вой, биз шунги уйлаб юрибмизми, болам. Ҳар ким кўнглига ёққан ишни қилади. Сен тинч ўтирсанг, бизта шунинг ўзи стади", - дейдилар.

Охиғри гапдан дилимнинг туғуни ёзилди бошлади:

- Ота-онангиз, оилангиз, ўғилчангиз - катта бойлигингиз. Сиқилверманг, кўнглингизга яқин олманг, ҳаммаси ўтиб кетди... - дедим. Яна қандай гап айтишим мумкин? - билмайман. Қайнонамнинг ноҳақ, ноҳолислигини, агар келиннинг гаплари рост бўлса, қайнонамнинг айтган-деганлари инсоф чегаралардан мулақо ташқарган эканлигини айтсам, мен томонимдан ҳам хато, ноинсофлик бўлади. Чунки келиннинг дилидаги ўз қайнонасига нисбатан норозиликни яна ҳам кескинлаштириб қўйишим турган гап. Суҳбатни нима қилиб бўлса-да яхши қайғи-ята яқунлашимиз керак.

- Менга қаранг, - дедим паст, сирли товушда. - Бошқаларни кўзвингиз, кўевингиз сизни хафа қилмайдими? Уғлини яхши кўрадимми?

Келиннинг юзиде хижолатликка қоришган хурсандчилик жиловланиб кетди:

- Уйга кирибоқ ўғилларини сўрайдилар... - Мана шунги қарларинг. Халиги гаплар юрагингизга қанчалар оғир ботмасин, ичта юртанингиз яхши. Кўевингизга айтиб... - Ээ, йўғ-э! - деб гапимни бўлди келин. - Қандай қилиб?..

Мана шу "Қандай қилиб?" нинг ўзида "Мен ўз турмуш ўртоғимнинг онаси ҳақида ноҳўж гап айтишим мумкинми?" - деган маъно бор эди. Келиннинг нозик қўлини маҳкам қисдим:

- Юринг энди! Ўғилчангизни соғиниб қолгандирсиз. Келгуси сафар менга телефон қилинг-да, ўғилчангизни етаклаб келинг, хўпми? Келиннинг кўзлари қулди.

Уни қўзатиб ўз йўлимга кетарканман, хаёлимда: "Нима қилиш керак? Нима дейиш мумкин? Олдийгина ҳақиқат - бу ўткинчи дунёда одамлар дилига ноҳақ озор бериш, мону дунёда деб бандани қамситиш, хўрлаш нақадар оғир гуноҳ эканлигини англаш шунчалар қийинми?" - деган саволлар айланарди. Уйлйверсанг, юрагинг увишди: ахир, латта-путта, пул, бойликка ўчлик, инсон қалбини шўларга қараб белгилаш оқибатида бузилиб кетган оилалар оэми? Қандайдир бир кийим, совға, буюм гулдэк оилаларнинг тўзиб, бузилиб кетишига арийдимми?

Бу саволларни эшитибоқ, ақсариятимиз мулоҳаза ҳам қилиб ўтирмай: "Йўқ!" - дейми кескин. Лекин ҳаётда қандаймиз? Тўтаётган йўлимиз тўғрими, гапларимиз ҳақиқи, алолатлими?

Шуларни уйлаб кетаётганимда, рўпарамдан келаётган ҳамкасба аёл саломалиқдан ҳам аввал:

- Вой, мен сизни топмоқчи эдим, - деди ҳаяжонланиб. - Газетада зўр мавзунги кўтарибсиз. Сизга ушанга тегишли бир воқеа... йўқ, ҳаётий мисол айтимоқчиман. Менин синглимнинг овсини ҳар йили ўз туғилган кунини отасиникида ўтказиб келади. Бунинг орқасида...

Азиз дўстим, бу ҳаётий ҳикояни келгуси сафарга қолдирамиз.

МУХТАРАМ УЛУҒОВА

Т.Еримбетов:



"Банк учун муносиб кадрлар тайёрлаяпмиз!"

"Ўзахтабанк"нинг Қорақалпоғистон бўлими бошқарувчиси билан суҳбат

Тоҳир Шихназарович! Мамлакатимиз мустақиллигини барча йўналишларда мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар ва маънавий янгилашларнинг устуворлигини таъминлашда кадрларга кўп нарсаси буюк бўлади. Бевосита муҳтарам Президентимиз Ислам Қаримов етакчилигида кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу жараён молия ва банк муассасалари тизимида қай даражада сезилмоқда? Кадрларни тайёрлашнинг миллий дастурини тайёрлаш юзасидан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, ҳурматли Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган маҳсус кенгаши якуналари Қорақалпоғистон банк ходимлари, шу жумладан, "Ўзахтабанк" бўлими ақди томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ҳақиқатан ҳам демократик ва ҳуқуқий жамяят барпо этаётган мамлакатимиз бозор иқтисоди йўлидан бормоқда. Бозор иқтисоди дегани эса жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган банк ва молия тизими демакдир. Бу тизимни яратишга эса аллақачон киришганмиз. Банклар тармоқлаштирилиб, "Ўзахтабанк", "Ўзгаллабанк", "Ўзтадбиркорбанк", "Ўзсавдогарбанк" ва бошқа банкларга айланishi фикримнинг яққол далили бўла олади. Ҳозирда муносиб, малакали банк кадрлари тайёрлашга киришганмиз. -- Айна шу ишларнинг бориши ҳақида "Ўзахтабанк" Қорақалпоғистон бўлими мисолида батафсилроқ тўхталангиз. -- Авваламбор бўлимининг тизимининг кадрлар билан таъминланишига бир оғиз тўхталиб ўтсак. "Ўзахтабанк"нинг Қорақалпоғистон бўлими, туман бўлиmlарида 468 нафар асосий банк ходими бўлиб, шундан 185 нафари олий, 244 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Кўпчилиги Тошкент Молия институти, ҳисоб-кредит коллежини битиришган. 24 нафар банк ходими меҳнат фаолиятиндан ажралмаган ҳолда олий ўқув юрларидан сиртдан ўқимокдалар. Биз банк ходимлари тайёрлашни мактаб партасидан бошлаганмиз. Нукус шаҳридаги академик Марат Нурмухаммедов номидаги ўрта мактабда банк синфи очганмиз, уни замонавий компьютерлар билан таъминлаганимиз тўғрисида газетангизда ёзибсизлар. Раҳмат! Ушандан кейин юз берган янгилик шу бўлдики, мактабдан 3 нафар ўқувчини ўриндошлик асосида ишга жалб этдик. Демак, уларнинг меҳнат дафтарчаси 16 ёшдан бошлаб очилди. Яқинда банк синфига кондиционер олиб бердик. -- Айтгайлик, мен олий маълумотга эга-

ману банк ихтисослигим йўқ. Сизнинг тизимингизда ишлаш учун қўшимча малака олиш мумкинми? -- Албатта, мумкин. Мисол учун Тўртқўл шаҳрида Тошкент Иқтисодиёт университетининг таянч пункти очилган бўлиб, 15 нафар олий маълумотли фуқаро иккинчи ихтисослик -- банк ходими касбини эгалламоқда. Шунини алоҳида қайд қилишим керакки, Тўртқўл банк ходимлари тайёрлайдиган муҳим пунктга айланмоқда. "Ўзахтабанк" Тўртқўл туман бўлими бошқарувчиси, тажрибали банк ходими Рўзимбой Қурбонов аввал Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги айрим шаҳарларда, сўнгра Америка Қўшма Штатларида малака ошириб қайтди. Натижалда Тўртқўлда замонавий банк коллежи очилди. Айна кунларда коллеж иккинчи йил талаба қабул қилмоқда. Дарвоқе, коллеж фаолиятини алоҳида ёритсангизлар фойдалан ҳоли бўлмас эди! -- Суҳбатингиздан шунини сезилдики, миллий банк кадрларини тайёрлашда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик кучаймоқда. -- Худди шундай. Биз 1994 йилда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон худуматлари, Европа ҳамжамяти комиссияси, Европа қайта қуриш ва тараққиёти банки, Туркия банклар уюшмаси томонидан ташкил этилган худудий банк ўқув маркази билан яқиндан алоқа қилмоқдамиз. Банк ходимларини ўқитишга алоҳида эътибор беришми. Бир ходимимиз Ўзбекистон Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамяят қурилиши академиясини битирди, бир нафари Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ихтисос эгалламоқда. -- Банк ходимларининг малакасини ошириш иши қай йўсинда ташкил этилган? -- Бу борда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 14 кишининг малакаси оширилди. 20 ходимимиз Тошкент Иқтисодиёт университетидеги видеосеминарда қатнашдилар. Менинг ўзим апрель ойида Австриянинг Зальцбург шаҳрида бўлиб ўтган халқро семинарда қатнашдим. Газетангиз орқали мустақил мамлакатимиз ёшларини банк тизимига қорлайми?

Суҳбатни "Туркистон"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Янгибой ҚУЧҚОРОВ ёзиб олди



НУРЛИ ЙЎЛЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан Республикада бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Мустақилликнинг шарофати билан Ўзбекистон ўз қаддини ростлади. Авваллари олдий дўкон қурилиши учун ҳам қанчалар оворагарчиликлар, юқоридан жавоб кутиб, асаббузурликларга дучор бўлинар эди. Не бахтки, мустақиллик бизга кўп нарсаларни берди. Юртимизда янгилашиш, покляниш даври ҳукм сурмоқда. Суратларда акс этган темир-бетон заводининг иш жараёни жаҳонга юз тутган юртимизда истиқлолимизнинг олти йиллигига катта тайёргарликлар олиб борилаётганлигидан далолатдир. Оқ ойдин йўлларда қадам ташлаб келаётган болакай! Сен нурли келажак сари атак-чечак қадам ташлаб кетаётган буюк Ўзбекистон билан нақадар уйғуллашиб кетгансан! Ушбу ёруғ йўлларда қадамларинг қутлуг бўлсин! Равон йўлларингизда эзгулик ҳамроҳинг бўлсин!



ТАҶИҚ

Сайёранинг бошқа дугоналаридан фарқи йўқ, у ҳам барча қишлоқ қизлари сингари уй ишларида ота-онасига ёрдам беради: сиғир соғади, нон ёпади, укаларига қарайди. Бу ишларни саранжомлагач эса дарс тайёрлайди. Бу ҳар кунги одатий ишлар. Лекин унинг дугоналаридан ажралиб турадиган бошқа бир фазилати борки, бу тўғрида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Сайёра Абдураззоқова Арнасой туманидаги хунар лицейининг "Тикувчилик" гуруҳида аёло баҳолаб ўқийди. Биргина аёло баҳолаб ўқийдигина эмас, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб ўзининг билимдон, ширинсўз ва одобли қиз эканлигини намойиш қилмоқда. Келажакда чевар тикувчи бўлиб етишишни ният қилган. Биргина орзу билан мақсадга етишиб бўлмаслигини у яхши билади. Бунинг учун изланиш лозимлигини аллақачон тушуниб етган.

Тикувчилик қийин, аммо шарафли касб, бу касбни танлаган киши ижодкор ҳам бўлиши керак. Ҳа, Сайёранинг бошқа дугоналаридан фарқи ҳам ана

шунда. У яхшигина расм чизиб худди рассомлардек мушоҳада юритади. Ҳар бир чизган расмини намойиш қилишдан олдин, ота-онасига, ўқитувчиларига кўрсатади, маъқул келган расмларнигина лицей жамоасига олиб боради. Чунки ҳар бир расм, ҳар бир образ ўқитувчилар томонидан қаттиққўллик билан қабул қилинади. Унинг бир неча

ги билан тенгдошларига маъқул келмоқда. Лицейдаги рассомлик ишларини кўнгилдагидек бажармоқда. Яқинда биз унга Наврўз байрами учун расм чизиб келишини сўрадик. Агар ижодкор бўлмаганда расмини наридандан-берини номигагина чизиб келган бўларди. Қишлоқ манзараларини, болакайларнинг чопқиллаб ўйнашларини, олис-олислардаги қўй-кўзиларнинг ўтлаб юришини ва ниҳоят, дошқозондаги сумалакнинг момолаги томонидан тортиқ қилинаётганлигини чизиб келди. Расм ҳаммага маъқул келди. Сайёрадан келажакда умидимиз катта.

Сайёра чизган расмларни кўздан кечирар экансиз, унинг "Дугоналарим", "Кўйимиз эгиз туғди", "Онам сиғир соғади", "Автопортрет" сингари расмлари томошабинни лоқайд қолдирмайди. Бу расмларда қишлоқ манзаралари, унинг меҳнаткаш кишилари образи ишонарли қилиб тасвирланган.

Ҳа, ёш рассом қизнинг қилаётган ишлари намунали экан, унинг ижодига муваффақиятлар тиллаш билан бирга янги-янги асарлар қутиб қоламиз.


Э. ҲОҚОВ, Жиззах вилояти

МУҲИКАЛАМ СЕҲРИ

расмлари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди, улар ёш рассомнинг илк асарини илиқ қутиб олишди.

Хунар лицейимизда 206 ўқувчи бўлиб, улар 7 гуруҳда таҳсил олишмоқда, - дейди биз билан суҳбат чоғида лицей директори А.Эргашев, - А.Эгамқулов, С.Садриддинова, Т.Каримов, А.Бозоров ва С.Абдуразоқовалар фахримиз. Уларнинг ичида Сайёра алоҳида ажралиб туради. У келажакда яхши рассом бўлиб етишиши мумкин. Унинг чизган расмлари образларининг соддалиги, тушунарлили-

Тўқ кўн, гатак кўн



БЕШЛИК

Яна кўларимда олов ёлқини, Яна сўларим ўтли, новоли, Яна баёмимда баҳор талқини, Яна кўнглим ёруғ, сафоли Чунки сен келдинг!

ТўРТЛИК

Сен қараганда Юрагим жизиллаб кетди. Ниҳоят мени қилдирганда, Қайсидир қалб изиллаб кетди.

Бу кўна дунёда куйганлар кўп, Дардини дoston қилиб ёйганлар кўп: Ёрини қалбига уйганлар кўп. Уларнинг бириман, менман.

Ҳижронни роҳат деб билганлар кўп, Васли-чун бағрини тилганлар кўп, Сени деб девона бўлганлар кўп, Уларнинг бириман, менман.

Ойнинг чиқиши ҳам бугун ўзгача, Соғининг шовуллаши -- юракка алла, Тойнинг қишнашлари -- қуйдир баралла. О, қишлоқ оқшоми, қишлоқ оқшоми.

Тулин ой чиқиши висол тимсоли, Соғининг шовуллаши ошиққа ошно Тойнинг қишнашлари ўзи бир маъно О, ёз оқшомлари, ёз оқшомлари

Товбой ЭСИРГАП ўғли

НУРБЕКА — ТУНБЕКА

У болалигидан исмини айтишга ийманарди. Нурбека исми кам учрагани учунми, биринчи эшитган одам яна қайта сўради. - Нега ўртоқларимизки сингари чиройли Шаҳноза, Саодат, Гузал атамагансизлар, - дея хафа бўларди онасига. - Исм ҳам ярим давлат, - ўқитарди онаси. Сени Нурбека, деб атаганимиз, бахт-саодат, яхшилик, эгзулик нурунинг бекаси бўлсин, дея ният қилганимиздан. Ниятлар ҳаммиша ушалавермас экан...

Суд залида айбланувчи ва жабранувчи деган икки тоифа киши бўлган воқеани қандай бўлса, шундайлигига айтиб бериши шарт экан. Шарм-ҳаё, аёл-эркак ўртасидаги ор-номо суд залида бегона экан. Янаиси ўзини оқлай олди, кўёви эса уч йилга қамалиб кетди.

Нурбека икки боласи билан ёлғиз қолаверди. Кўч-кўронини кўтариб ота-онасиникига кетай деса, тўрт келин бир ховлида яшайди. У фарзандлари билан қандай синали... Ҳаёлар гирдобига фарқ бўла бошлади. Аламини ишдан олди. Далада ишлади, ип йигириб, ўрмак тўқиди...

Улар билан овунди, баъзида аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқиб, баъзида кувонди. Бу кўнларнинг тезроқ ўтиб кетишини кўнларни туллаларга ула санади. Вақт олий ҳакам... Турмуш ўртоғи уч йилга етмай уйга қайтди. Уларнинг ўртасидаги муносабат анча совиган эди. Барибир аёлларда катта қалб бор, у ҳам фарзандларини, уларнинг келажакларини ўйлайди, эрини кечирди... Унинг бахти аллақачон кемтик бўлганлигини тушунди.

Ушанда унга онаси исм ярим давлат бўлса, ярим бахт - деган эди. Уша бахт унда йўқ. Исм инсонга бахт келтирармас экан.

Нурбека Тунбека номи билан алмашди. У фақат тундагина ором, ҳаловат топади. Тунларидоғина бахтли яшайди. Юрагида эса катта бир бўшлиқ бор...

Бахринисо НОРЖИГИТОВА

ҲАЙРАТНИНГ ҚИЁФАСИ (Мансуралар)

Ҳайрат кўзнинг шаклида ҳайрат беради. Мен бугун улкан кўз шаклидаги ҳайратни кўрдим: боқиб турар эди у менга шундоқ. Бир дунё таҳликаларга қўйиб, мен томон боқиб турар, таъқибчи, ҳайрат туйнуги оша бир жуфт қора кўз. Мендайн улкан ҳайратга айланган, ҳайрат билан адош кўзимга. Эҳ, мен қандоқ чидайин ул ҳайратларга?!

ЕЛКАМНИНГ ЧУҚУРИ

Ўнг елкамини қийнайман -- "Фаришта", чап елкамини қийнайман -- "Фаришта". Кўёш ҳар кун ўнгимдан чиқиб, сўлимга ботар. кун ботар, тун чўқар. Кун билан тун теграмда гирён, айланар, айланаверар...

Елкамининг энг чўқур сойликларидека икки кўл мавжланар, қилган-қилмаган савабу гуноҳларимдан ҳосил бўлган кўл. Мен унда чўмиламан.

Ўнг елкамини силқийман, -- "Фаришта", чап елкамини силқийман, -- "Фаришта". Улар менинг кўзлардан пинҳон, шаффоф қанотларимдир. Аммо мен билмайман, қай бир қанотимда залвор кўп, залвор. Учолмайман. Дув-дув тўқилади "Фаришта"...

Ўнг қанотимни силқийман, -- "Фаришта", чап қанотимни силқийман -- "Фаришта".

Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД

Спорт

ЭНГ ЯХШИ УЙИНЧИЛАР

- 1982 Паоло РОССИ ("Ювентус", Италия)
1983 ЗИКО ("Удинезе", Бразилия)
1984 Мишель ПЛАТИНИ ("Ювентус", Франция)
1985 Мишель ПЛАТИНИ ("Ювентус", Франция)
1986 Диего МАРАДОНА ("Наполи", Аргентина)
1987 Рууд ГУЛЛИТ ("Милан", Голландия)
1988 Марко ВАН БАСТЕН ("Милан", Голландия)
1989 Рууд ГУЛЛИТ ("Милан", Голландия)
1990 Лотар МАТТЕУС ("Интернационале", Германия)
1991 Жан-Пьер ПАПЕН ("Марсель", Франция)
1992 Марко ВАН БАСТЕН ("Милан", Голландия)
1993 Роберто БАДЖО ("Ювентус", Италия)
1994 Паоло МАЛЬДИНИ ("Милан", Италия)
1995 Джанлука ВИАЛЛИ ("Ювентус", Италия)
1996 РОНАЛДО ("Барселона", Бразилия)

1985 Терри ВЕНЕЙБЛС ("Барселона")

- 1986 Ги ТИС (Бельгия тер.ж)
1987 Йохан КРОЙФФ ("Аякс")
1988 Ринус МИХЕЛС (Голландия тер.ж)
1989 Арриго САККИ ("Милан")
1990 Франц БЕККЕНБАУЭР (ГФР тер.ж)
1991 Мишель ПЛАТИНИ (Франция тер.ж)
1992 Ричард МЕЛЛЕР-НИЛЬСЕН (Дания тер.ж)
1993 Алекс ФЕРГЮСОН ("Манчестер Юнайтед")
1994 Карлос Альберто ПАРРЕЙРА (Бразилия)
1995 Луи ВАН ГАЛЛ ("Аякс")
1996 Берти ФОГТС (Германия тер.ж)

ЭНГ ЯХШИ ЖАМОАЛАР

- 1982 БРАЗИЛИЯ тер.ж
1983 "ГАМБУРГ" (ГФР)
1984 ФРАНЦИЯ тер.ж
1985 "ЭВЕРТОН" (Англия)
1986 АРГЕНТИНА тер.ж
1987 "ПОРТУ" (Португалия)
1988 ГОЛЛАНДИЯ тер.ж
1989 "МИЛАН" (Италия)
1990 ГФР тер.ж
1991 ФРАНЦИЯ тер.ж
1992 ДАНИЯ тер.ж
1993 "ПАРМА" (Италия)
1994 "МИЛАН" (Италия)
1995 "АЯКС" (Голландия)
1996 НИГЕРИЯ олимпия тер.ж

Акмал АБДУРАХМОНОВ

ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЛАР


- 1982 Энцо БЕАРЗОТ (Италия тер.ж)
1983 Зенп ПИОНТЕК (Дания тер.ж)
1984 Мишель ИДАЛЬГО (Франция тер.ж)

ФУТБОЛ ЧАЙНВОРД

Азиз муштарий! Куйида диққатингизга учта машқ ҳавола этиляпти. Жавобларни баён этилган тартибда ёзиб ҳал этинг.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили бўйича:
1. Ўзбекистондаги таниқли жамоа.
2. Мамлакатимиз тарма жамоаси ярим ҳимоячиси.
3. Англиялик мохир дарвозабон.
4. Бразилиянинг машҳур жамоаси.
5. Республикаимизнинг 1996 йилги энг мохир футболчиси.
6. Олмониялик мохир тўпурар.
7. Жанубий Американинг 1978 йилги энг уста футболчиси.
8. Саксонинчи йилларда "Пахтакор" таркибида ўйнаган тўпурар футболчи.
9. Пеле ўйнаган АКШдаги футбол клуби.
10. Халқаро Тошкент турнирида иштирок этган Голландия жамоаси.
11. "Навбахор" ҳужумчиси, тарма жамоа аъзоси.
12. Футбол ҳаками анжومي.
13. Қитъалараро кубок совриндори бўлган "Интер" футболчиси.
14. Лотин Америкасининг 1971 йилги энг мохир футболчиси.
15. Чили тарма командаси таркибида кўпроқ майдонга тўшган ўйинчи.
16. Мамлакатимиз тарма командасига номзод.
17. Китъалараро кубок ўйинидаги энг мохир футболчига берилган мукофот.
18. "Пахтакор" нинг собиқ футболчиларидан бири.
19. "Олтин бутси" совринини таъсис этган машҳур фирма.
20. Ҳамдўстликдаги машҳур футбол командаларидан бири.
21. ЧАЙНВОРД
22. Дунёда илк футбол жамоалари тузилган мамлакат.
23. Олтининчи йилларнинг мохир дарвозабони.
24. Мамлакатимиз биринчилигининг тўпурарларидан бири.
25. Бразилия футболчиси, У11 жаҳон чемпионати тўпурари.
26. Халқаро футбол федерацияси раҳбари.
27. 1958 йилда бўлиб ўтган У1 жаҳон чемпионатининг энг мохир дарвозабони.
28. Оврүпо чемпионлари кубогининг биринчи соҳиби бўлган жамоа.
29. Саралаш ўйинларида Кам-



боджа командасига иккита тўп киритган Индонезия командаси футболчиси.
30. Шотландиянинг машҳур клубларидан бири.
31. Футбол соврини тури.
32. Капитан бошчилигидаги футболчилар гуруҳи.
33. Венгриянинг 1962 йили бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида тўпурарлар рўйхатидан ўрин олган футболчиси.
34. Футбол анжومي.
35. ХУ жаҳон чемпионатининг энг мохир дарвозабони.
36. Дунёдаги энг улкан футбол иншооти.
37. Мамлакатимиз Олий лигаси аъзоси.

111. МУАММОНОМА

Авал куйидаги сўзларни толиб очкичи ҳал этинг.
1. Ўзбекистоннинг таниқли футбол ҳаками - 6,7,8,7,8,3.
2. Машҳур футболчи Папен ўйнаган Франция жамоаси.
3. МХСК таркибидаги химоячилардан бири - 8,7,4,2,8,3.
Энди очкичдаги жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммононани ҳал этинг.
Ундан Ўзбекистоннинг таниқли футболчиси, мохир тўпурар, устоз мураббийнинг исм-шарифи аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

‘ЁШЛАР ҲУҚУҚИ - ЮКСАЛИШ ТАЯНЧИ’

Мамлакатимиз ҳудудида кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларда ёш авлоднинг ўрни беқиссир. Ёшлар ҳуқуқини ҳимоялаш, маънавий қамолотини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда.

Юртбошимизнинг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўргатиш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармонида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Қамолот" жағфармаси ва "Туркистон" газетаси тахририяти ҳамкорликда "Ёшлар ҳуқуқи - юксалиш таянчи" мавзусида танлов эълон қилмоқда.

Танлов шартлари: Тақдим этилаётган материаллар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ёшлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашга бағишланган бўлиши лозим.

Мақолалар машинкада икки оралликда, 3 бетдан ошмаслиги керак. (Агар мақоланинг бадиий, мантқий савияси юксак бўлса 4-5 бетгача қабул қилинади).

Танловда иштирок этишни истаган барча фуқаролар қатнашиши мумкин. Энг сара мақолалар газета саҳифасида ёритилади ва шу асосда галиб аниқланади.

Танлов 1997 йил 7 июлдан бошланиб 1997 йил 8 декабргача давом этади. Галибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

- 1-ўрин - 5000 (беш миң) сўм;
2-ўрин - 3000 (уч миң) сўм;
3-ўрин - 2000 (икки миң) сўм.

Манзилими: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетаси, "Ёшлар ҳуқуқи - юксалиш таянчи" танловига.

Омад ёр бўлсин!

‘Тошшаҳарюктранс’ концернига қарашли очик турдаги 127-ҳиссадорлик автокорхонанинг 1997 йил ярим йиллик ҳисоботи

127-Ҳиссадорлик автотранспорт жамоаси 1997 йилнинг 1-ярим йиллик яқунларига бағишланган умумий йигилиши 1997 йил 8 август соат 16.30 да ўтказилади.

Манзилими: 700034 Тошкент шаҳар Қорасарой кўчаси 325-уй.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МАТБУОТ ТАРҚАТИШ ИСОМАС» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Юсуф ЖўРАЕВ
Навбатчи муҳаррир Темир ҚУРБОН

ТАҲРИРИЯТ:
Қўлдан - 36-56-58, 33-95-87
Телефон бўлими - 36-56-58
Телфакс бўлими - 33-79-69; ижтимоий алоқа бўлими - 36-54-64; спорт хабарлари бўлими - 36-58-93, котибият - 36-58-48

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.